



ТАРМОҚЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БАНК СЕКТОРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

PhD Абдуллаева Севарахон

Фарғона давлат техника университети

ORCID: 0000-0002-8596-2473

sevarikabdullayeva@gmail.com

Аннотация. Тўқимачилик саноати корхоналари билан молиявий секторнинг ўзаро биргаликдаги интеграцион фаолиятининг иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти мақолада ёритилган. Банклар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг назарий асослари, халқаро тажрибалари ва маҳаллий амалиёти таҳлил қилинган. Шу билан бирга, молиявий ресурсларни жалб этиш, инвестиция жараёнларини рағбатлантириш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда тармоқлараро интеграциянинг ўрни алоҳида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий барқарорлик, тармоқлараро интеграция, ишлаб чиқариш ресурслари, банк сектори, молиявий ресурс.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ НА ОСНОВЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖОТРАСЛЕВОЙ ИНТЕГРАЦИИ: ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО И БАНКОВСКОГО СЕКТОРОВ

PhD Абдуллаева Севарахон

Ферганский государственный технический университет

Аннотация. В статье раскрыто значение интеграционной деятельности предприятий текстильной промышленности и финансового сектора в обеспечении экономической устойчивости. Проанализированы теоретические основы, международный опыт и отечественная практика сотрудничества банков и производственных предприятий. Особое внимание уделено роли межотраслевой интеграции в привлечении финансовых ресурсов, стимулировании инвестиционных процессов, поддержке инноваций и повышении эффективности производства.

Ключевые слова: экономическая устойчивость, межотраслевая интеграция, производственные ресурсы, банковский сектор, финансовые ресурсы.

ENSURING ECONOMIC STABILITY THROUGH THE IMPROVEMENT OF INTERSECTORAL INTEGRATION: COOPERATION BETWEEN THE MANUFACTURING AND BANKING SECTORS

PhD *Abdullaeva Sevarakhon*
Fergana State Technical University

Abstract. *The article highlights the importance of the integrative activities between textile industry enterprises and the financial sector in ensuring economic stability. Theoretical foundations, international experience, and domestic practices of cooperation between banks and manufacturing enterprises are analyzed. Particular emphasis is placed on the role of intersectoral integration in mobilizing financial resources, stimulating investment processes, supporting innovations, and improving production efficiency.*

Keywords: *economic stability, intersectoral integration, production resources, banking sector, financial resources.*

Кириш.

Иқтисодий барқарорлик масаласи ҳар қандай мамлакат тараққиётида устувор йўналиш ҳисобланади. Унинг таъминланиши турли соҳалар — саноат ишлаб чиқариши, банк-молия тизими ва давлат сиёсатининг уйғун ҳамкорлиги орқали амалга ошиши мумкин. Бу жараёнда саноат корхоналарининг барқарор фаолияти, уларнинг иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиши ва ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, молия сектори — айниқса банк тизими — ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз молиялаштириш, инвестицияларни жалб этиш ва молиявий инструментларни диверсификация қилиш орқали иқтисодий барқарорликка туртки беради. Айниқса, ишлаб чиқариш ва банк секторининг самарали интеграцияси иқтисодий жараёнларнинг барқарорлашувида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Бундай интеграция, аввало, инвестиция оқимларини кафолатли ва самарали йўналтириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, янги технологиялар ва инновацияларни жорий этиш имконини яратади. Шу билан бирга, молия институтларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан яқин ҳамкорлиги корхоналарнинг молиявий мустақиллиги ва ликвидлигини таъминлашга хизмат қилади.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, банк-саноат интеграцияси иқтисодий барқарорликни кучайтириш билан бирга, миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа, Жанубий Корея ва Япония каби мамлакатларда банк ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги узвий ҳамкорлик инновацияларни рағбатлантириш ва саноатни модернизация қилишнинг асосий омили сифатида намоён бўлган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам тармоқлараро интеграция жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш, айниқса тўқимачилик саноати ва банк сектори ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу нафақат иқтисодий ўсишга, балки мамлакатнинг барқарор ривожланиш ва глобал иқтисодиётда муносиб ўрин эгаллаш стратегиясига ҳам хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий соҳанинг ривожланиши тармоқлараро ресурслар тақсимотини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, молиявий ресурслар бозорлари яхши ривожланган мамлакатларда тармоқлар бўйича ишлаб чиқаришнинг биргаликда ўсиши самаралироқ амалга ошиши Раймонд Фисман ва Инесса Лав (2004) томонидан ўтказилган тадқиқотларда асослаб берилган.

Кўплаб тадқиқотларга кўра банклар инновацион жараёнларнинг асосий иштирокчилари сифатида реал секторда инновацияларни молиялаштиришда марказий ролни ўйнайди. Хусусан, муносабатли кредитлаш усули узоқ йиллар давомида маблағларни самарали инвестицияларга йўналтиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида намоён бўлган. Чунки фонд бозори ҳам, ихтисослашган молия институтлари ҳам бу жараёнда нисбатан чекланган (маргинал) ролни ўйнайди (Giannetti, 2012).

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти¹ (2023-2024) ҳисоботларига кўра, “яшил ўтиш” жараёнларини молиялаштиришда хусусий сектор ресурсларини кенг жалб этиш долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун анъанавий кредитлаш усулларида қўшимча равишда банк маҳсулотларини диверсификация қилиш, яъни экологик самарадорлиги юқори бўлган инвестиция лойиҳалари учун махсус молиявий инструментларни ишлаб чиқиш тавсия этилади. Шунингдек, “яшил” облигациялар, ESG мезонларига асосланган кредит линиялари ва грант-молиялаштириш механизмларини ривожлантириш зарурлиги қайд этилган. Бундан ташқари, йирик инфратузилма ва саноат лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун лойиҳа молияси (project finance) механизмларини чуқурлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосидаги молиявий ҳамкорликни кенгайтириш орқали узоқ муддатли барқарор ресурс базасини шакллантириш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Ташкилот мутахассисларининг фикригача, мазкур чора-тадбирлар нафақат “яшил иқтисодиёт”га ўтишни тезлаштиради, балки иқтисодий барқарорлик ва молия бозорлари барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий фикрлаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тўқимачилик саноати ҳозирги даврга келиб капитал сиғими юқори ва маҳсулотлари экспортга йўналтирилган қайта ишлаб чиқариш тармоқлардан бирига айланган. Шунга кўра унинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланиши нафақат ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлигига, балки ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида – хом-ашёни сотиб олишдан то юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ташқи бозорга етказиб беришгача бўлган жараёнларда молиялаштириш манбаларининг мавжудлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Банк тизими, ўз навбатида, соҳада саноат сиёсати, инвестицион имкониятлар ҳамда маҳаллий ва жаҳон бозорлари талаблари ўртасида ўзаро узвийликни таъминлашда стратегик ролни ўйнайди. Шунингдек, тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятини ESG ёндашувига асосан ташкил этиш ва яшил иқтисодиётга ўтишда айнан банклар молиявий архитектуруни шакллантиришга қодирдир.

¹https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2023/12/financing-uzbekistan-s-green-transition_6ebf6b94/27d2489d-en.pdf?utm_source=chatgpt.com



1 – чизма. Тўқимачилик саноатининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини шакллантирадиган асосий хусусиятлар

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарурий хом-ашё материаллари (пахта, калава-ип)ни харид қилиш, ускуналар ҳамда матони бўйлаб воситаларининг асосан чет мамлакатлардан импорт асосида олиб келиш кўп ҳолларда олдиндан тўлов билан амалга оширилиши соҳа корхоналари учун аванслаштирилган харажатлар улушининг орттириши юзага келтириб корхонанининг ликвидлиги даражасининг пасайишига сабаб бўлгани ҳолда молиялаштиришга бўлган дастлабки эҳтиёжни шакллантиради. Шунингдек, калава-ип, мато ҳамда яқуний истеъмолга тайёр бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни бир нечта технологик қайта ишлаб чиқариш босқичларидан иборат эканлиги йўналтирилган капиталнинг қайтарилиш даврини узоқлаштириб, ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш учун кўшимча маблағларни жалб этиш заруриятини юзага келтиради. Маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилганлиги эса валютавий молиялаштириш, экспорт хатарларини суғурталаш воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Тўқимачилик бозорларининг юқори рақобатлилиги сабабли фойда миқдорининг пастлиги харажатларни оптималлаштириш ҳамда паст фойдали молиялаштириш имкониятларига эга бўлишнинг муҳимлиги даражасини яна ҳам оширади. Ушбуларга кўра, тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор иқтисодий ривожланишига эришиш учун турли миқдордаги молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ташкил этиш зарур бўлиб, у нафақат анъанавий кредитлаш асосида ташкил этилиши, балки тўқимачилик корхоналари билан банк секторининг ўзаро узвий фаолиятини йўлга қўйиш асосида шакллантирилиши ҳамда ушбу муносабат таркибида инвестициявий лойиҳалаш, “яшил” молиялаштириш каби замонавий воситаларнинг мавжуд бўлиши билан характерланади.

Жаҳон амалиётида молиялаштиришга бўлган етарлича имкониятлар билан бирга тўқимачилик соҳасининг ривожланиши ўртасида тўғридан – тўғри боғлиқлик мавжудлиги асосланган бўлиб, ушбу интеграцион фаолиятни қўйидаги йўналишларда қўриш мумкин:

- **меҳнат унумдорлиги ва технологик самарадорликнинг ошиши.** Узоқ муддатли инвестицион кредитлашдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган корхоналар

автоматлаштирилган ишлаб чиқариш линияларини жорий этиш, замонавий тизимлар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиб махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиб келмоқда.

- **экспорт салоҳиятининг кенгайиши.** Банклар томонидан экспорт олдидан кредитлаш, валютавий кредитлаш каби молиявий қўллаб-қувватланиб келинаётган тўқимачилик корхоналари учун янги бозорларда ўз фаолиятини ташкил этиш имкониятлари шаклланимоқда.

- **операцион хавф-хатарларнинг камайиши.** Қисқа муддатли айланма кредитлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги мавсумийлик, хом-ашё нархининг ўзгариши ёки ташиш билан боғлиқ узулишлар сабабли юзага келадиган ишлаб чиқариш жараёнидаги тўхтаб қолишларни шаклланиш эҳтимолини камайтиради.

- **ижтимоий барқарорлик ва бандлик.** Тўқимачилик саноати корхоналари ва банк секторининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш билан ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш учун кўшимча молиялаштириш манбаи шаклланиши ҳолда нафақат шаҳар ҳудудларида, балки қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги ошириш имконияти юзага келади.

Юқоридагилар билан биргаликда, тўқимачилик саноати корхоналарининг “яшил” ишлаб чиқариш жараёнларига ўтаётганлиги ҳамда барқарор ривожланиш тамойиллари асосида янги саноат моделлари шаклланиётган шароитда, банклар томонидан молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш тўқимачилик соҳасини нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва экологик барқарорлигини таъминлаш омилларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида тўқимачилик саноати ва банк сектори ўртасида интеграцион фаолиятни ташкил этиш асосида тўқимачилик корхоналарининг молиялаштириш манбаларини кўпайтиришнинг ижобий ҳамда муваффақиятли наъмуналари сифатида Ҳиндистон, Хитой ва Туркия мамлакатларини келтириш мумкин. Хусусан, ҳозирда Хитой дунё бўйлаб тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт ва хом-ашё импорти бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. Лекин, 1999 – 2000 йиллар оралиғида мамлакатда тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, узвий иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд бўлган. Шунингдек, соҳа корхоналари ишлаб чиқариш қуввати паст бўлган техникалардан фойдаланганлиги сабабли иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг пасайишига ҳамда атроф-муҳитнинг юқори даражада ифлосланишига сабаб бўлган. Ушбу муаммолар Хитойнинг йирик банкларидан бири ҳисобланган Хитой Ривожланиш Банки томонидан “Хитойнинг ғарбий ҳудудларини ривожлантириш” дастурини амалга ошириш асосида тўқимачилик кластерларини ташкил этиш ва молиялаштириш натижасида ўз ечимини топди. Банк сектори томонидан қўллаб-қувватлаш механизми қуйидаги йўналишлардан иборат бўлган:

1) узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини ташкил этиш, яъни ишлаб чиқариш ускуналарини модернизациялаш, тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш учун йиллик 2-4 фоизлик кредитлар тақдим этиш;

2) зарурий инфратузилмага (электр-энергия, газ, сув, логистикага) эга бўлган саноат паркларини (ҳудудларини) қурилишини молиялаштириш;

3) экологик модернизациялаш (чиқиндисиз ишлаб чиқариш, “яшил” саноат) дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Банк секторининг тўқимачилик саноати корхоналарини қўллаб-қувватлаши натижасида эришилган ижобий иқтисодий ўзгаришларни қуйидаги жадвал асосида кўриш мумкин.

1-жадвал

**Тўқимачилик саноати корхоналари билан банклар ўртасидаги
интеграциянинг ижобий натижалари**

№	Кўрсаткичлар	Молиялаштиридан олдин	Интеграциядан сўнг
1.	Ускунадан ўртача фойдаланиш давомийлиги	>15 йил	<5 йил
2.	Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти	\$50 млрд	> \$120 млрд
3.	Юқори қўшимча қийматни яратишнинг барча босқичларини қамраб олган кластерлар сони	<10	>50
4.	Ишлаб чиқаришда автоматлаштиришнинг улуши	<20%	>60%
5.	“Яшил” ишлаб чиқариш улуши	~10%	>45%

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, банклар томонидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш Хитойнинг тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва экспорт ҳажмининг ошишига сабаб бўлгани ҳолда мамлакат брендларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширди. Шунингдек, хом-ашёдан бошлаб тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – етказиб бериш занжирларини ташкил этишга хизмат кўрсатди.

Банклар томонидан тўқимачилик саноатини молиялаштиришнинг яна бир ижобий мисолларидан бири Ҳиндистон мамлакатининг тўқимачилик корхоналари ҳисобланади. Маълумки, мамлакат ҳозирда Хитой каби дунёнинг етакчи тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиси, пахта хом-ашёси йирик экспорт қилувчиси ҳисобланади. Ушбу даражага эришиш учун соҳа корхоналари 2000 йилларда юқори даражадаги электр-энергия сиғими, ишлаб чиқариш қуввати паст бўлган ускуналар, молиялаштириш манбаларининг етарли эмаслиги ҳамда тўқимачилик кластерларининг зарурий инфратузилмага эга эмаслиги каби бир қатор муаммоларга дуч келган. Ушбу масалалар соҳа корхоналарини иқтисодий барқарорликка эришишлари учун тўсиқ ҳисобланган. Бу эса давлат банклари томонидан соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди. Хусусан, Технологияни янгилаш фонди схемаси (TUFS) ва Интеграциялашган тўқимачилик парклари (SITP) дастурлари асосида корхоналарнинг техника-технология базалари такомиллаштирилиб экологик тоза ишлаб чиқариш тизими йўлга қўйилди.

2-жадвал

**Тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини банклар асосида
молиялаштириш натижасида эришилган натижалар**

№	Кўрсаткичлар	TUFS ва SITP дастурларига	Дастурларни амалиётга жорий қилингандан сўнг
1.	Замонавий ишлаб чиқариш учкуналарига эга бўлган корхоналар улуши	20% дан кам	70% дан юқори
2.	Бир бирлик маҳсулот учун электр-энергия сарфи	Юқори	25–30% га камайтирилган
3.	Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти	\$11 млрд (1999 й.)	\$35 млрд
4.	Тўқимачилик саноати корхоналаридаги ишчилар сони	~35 млн.	45 млн. дан кўп

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Мамлакатда тўқимачилик саноатига банк секторининг интеграциялаш натижасида Тириуп ва Сурат шаҳарларида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, шу билан бирга, логистика, тўқимачиликга йўналтирилган ўқув марказларни ўз ичига олган экотизм барпо этилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни АҚШ, Европа ва Япония каби мамлакатларга экспорт қилишга эришилди.

Кўплаб мамлакатларда тўқимачилик саноатини барқарор ривожланиши таъминлаш мақсадида банклар томонидан таклиф этиладиган молиялаштириш манбалари тўқимачилик кластерининг заруриятдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Ушбу ёндашув молиялаштиришни юқори мақсадлилигини оширган ҳолда молиявий хавф-хатарларни олдини олади.

3-жадвал

**Банклар томонидан тўқимачилик корхоналари фаолиятини
молиялаштиришнинг таққослама жадвал: Хитой, Туркия ва Ҳиндистон
мамлакатлари**

Кўрсаткич	Хитой	Туркия	Ҳиндистон
Асосий бош банк	Хитой ривожланиш банки (China Development Bank)	Эксимбанк, Халқбанк (Eximbank, Halkbank)	Ҳиндистоннинг кичик саноатни ривожлантириш банки (SIDBI), Ҳиндистон давлат банки (SBI)
Молиялаштириш механизмнинг мақсади	Индустриал парклар + “яшил” ишлаб чиқариш	Уюшган Саноат Зоналари (OIZ) + экспортни кредитлаш	Технологияни янгилаш фонди схемаси (TUFS) + Интеграциялашган тўқимачилик парклари (SITP)
Асосий йўналиш	Модернизациялаш, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш	Экспорт, Кичик тўқимачилик ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш	Модернизациялаш, молиялаштириш имкониятига эришиш
Натижанинг қамров даражаси	Миллий	Миллий ва халқаро	Миллий, маҳаллий кластерлар

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Тўқимачилик саноатини яна ривожлантиришга қаратилган юқоридаги ёндашувлар корхоналарга ишлаб чиқариш қувватини қисқа вақт оралиғида ошириш, янги иш ўринларини шакллантириш имкониятини шакллантирди. Банк сектори ва тўқимачилик корхоналарининг ўзаро интеграцион фаолиятини ифодаловчи моделнинг барқарор ижобий натижавийлигининг асосий омили ушбу иқтисодиёт секторларининг узвий фаолияти бўлиб ҳисобланади. Ушбу тизим банкларнинг кредит бериш йўналишларини мослашувчан эканлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Молиялаштириш шартлари корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда мунтазам равишда кўриб чиқилади, бу эса кредит натижасида юзага келдиган хатарларни камайтиргани ҳолда бутун тўқимачилик кластерининг барқарорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси дунё бўйича пахтани етиштирувчи асосий мамлакатлар қаторидан жой олган бўлсада, 2016 йилга қадар мамлакат томонидан асосан пахта хом-ашёсининг экспорти амалга оширилган. Тўқимачилик саноати корхоналари эса фақатгина ярим-тайёр ҳамда паст қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мамлакат корхоналари пахтани қайта ишлаш бўйича

чекланган ресурсларга эга бўлган. Мамлакатда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда 2017 йилдан ҳукумат томонидан пахтани чуқур қайта ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт таркибида якуний истеъмол учун тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва қўшимча қийматни яратиш бўйича барқарор ишлаб чиқариш занжирини жорий этиш мақсадини илгари сурилди. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги, бирламчи қайта ишлаб чиқариш, калава-ип, матони ишлаб чиқариш ҳамда тайёр маҳсулот экспортини (реализациясини) амалга оширишни ўз ичига қамраб олган пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш дастурлари бошланган. Ҳозирда мамлакатда 135 дан ортиқ тўқимачилик кластерлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

4-жадвал

**Банк сектори ва тўқимачилик саноатининг ноинтеграцион фаолияти
натижасида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар**

№	Иқтисодий ривожланиш тўсиқлари	Салбий оқибат тури	Таъсир давомийлиги	Тавсиф
1.	Кредит олиш имкониятининг чекланганлиги	Молиявий	Қисқа ва узоқ муддат	Айланма капиталнинг узлуксизлиги ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни чеклайди
2.	Қарз маблағларни жалб қилишни қимматлашуви	Молиявий	Қисқа муддат	Фойдалилик (маржиналлик) даражасини ва рақобатбардошликни пасайиши
3.	Лизинг ва факторинг каби банк сектори маҳсулотларининг чекланиши	Молиявий – операцион	Қисқа муддат	Молиявий маблағларни бошқариш бўйича мослашувчанликни мавжуд эмаслиги
4.	Ликвидлилик даражасининг пасайиши	Операцион	Қисқа муддат	Хом-ашё харидлари ва кредитор қарздорлик даражасининг ошиб кетиши
5.	Рискларни бошқариш бўйича хавф-хатарлар	Стратегик	Узоқ муддат	Имтиёзли ва узоқ муддатли молиявий маблағлардан фойдаланиш имкониятининг чекланиши
6.	Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қийинчиликлар	Молиявий – операцион	Қисқа ва узоқ муддат	Экспорт ҳажмининг камайиши натижасида валюта тушимининг пасайиши
7.	Технологик ривожланишнинг секинлашуви	Стратегик	Узоқ муддат	Жаҳон бозорида фаолият юритаётган рақобатчилардан ортда қолиш
8.	Инвестицион жозибдорликнинг пасайиши	Стратегик	Узоқ муддат	Хусусий ва институтционал инвестициялар оқимининг камайиши

Манба: таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Мамлакатнинг хусусий ва давлат банклари томонидан кластерда фаолият юритаётган тўқимачилик корхоналари учун ускуналарни модернизациялаш, хом-ашёни харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиб келинаётган бўлсада, “яшил” ишлаб чиқаришни жорий этиш дастурларини молиялаштириш бўйича махсус кредит

линиялари тўлиқ шакллантирилмаганлиги ҳамда банк сектори билан соҳа корхоналари ўртасида ўзаро барқарор интеграцион фаолиятни йўлга қўйилмаганлиги нафақат соҳада иқтисодий барқарорликни таъминлашда, балки мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида бир қатор тўсиқларни юзага келтиради (4-жадвал).

Банк секторининг тўқимачилик кластерлари билан ўзаро интеграцион фаолияти юқорида ифодаланган муаммоларга (барқарор ривожланиш тўсиқларига) қарши самарали чоралардан бири ҳисобланади. Чунончи, узлуксиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экологияга зарар келтирмайдиган технологияларни жорий этиш, таборо мукамаллашиб бораётган истеъмолчилар талабига тўлиқ жавоб берадиган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бевосита узлуксиз молиялаштириш манбаларига боғлиқдир. Шунга кўра, банклар ушбу манбалардан бири сифатида хизмат кўрсатган ҳолда соҳанинг барқарор ривожланиши учун замин яратиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ва банкларнинг ўзаро фаолияти натижасида қўйидаги ютуқларга эришиш имконияти шаклланади:

1. Пахта далаларидан тортиб тикувчилик корхоналарига қадар самарали фаолият – айланма капитал самарадорлигининг оширилиши ва юқори сифат.
2. Бутун ишлаб чиқариш циклининг (даврининг) молиялаштирилиши – қишлоқ хўжалиги + қайта ишлаб чиқариш + экспорт.
3. Хорижий инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги имкониятларнинг шаклланиши.
4. Барқарор ривожланиш тамойилларига мос келувчи ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш.
5. Экспорт географиясининг кенгайиши.

Банк сектори тўқимачилик саноати корхоналарини ҳозирда жаҳон бўйича жадал амалга оширилиб келинаётган кластерлаштириш, рақамлаштириш ҳамда барқарор ривожланиш шароитларида такомиллаштириш (трансформациялаш) учун хизмат кўрсатувчи асосий агентлардан биридир. Унинг функциялари анъанавий кредит ажратишдан ташқарига чиқгани ҳолда инвестициялаш, экспорт, модернизациялаш, ESG ҳамда ижтимоий қўллаб – қувватлашни қамраб олмоқда. Жаҳонда илғор тўқимачилик саноати корхоналари тажрибасига кўра тўқимачилик соҳасида барқарор ривожланиш фақатгина банклар, давлат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг узвий фаолияти асосида эришилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган банк сектори – тўқимачилик корхонаси интеграциясининг асосий мақсади бўлиб, тўқимачилик корхоналарини молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ишлаб чиқариш-молиявий таъминот тизимининг шафоқлигини ошириш, рақамлаштириш ва инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда экологик ва ижтимоий масъулиятли барқарор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобланади.

Тармоқлараро интеграциянинг асосий вазифалари сифатида, бизнингча, қўйидагиларни белгилаш лозим:

- тўқимачилик корхоналари учун молиявий ресурслардан узоқ муддатли фойдаланиш имкониятларини шакллантириш;
- икки сектор учун ҳам пул оқимларини оптималлаштириш, транзакцион харажатларни минималлаштириш;
- “яшил” ишлаб чиқаришни жорий этиш ҳамда фаолиятни рақамлаштиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни рағбатлантириш;
- банкларни молиявий оқимлари таҳлил қилинадиган барқарор корпоратив сегмент билан узвий алоқасини таъминлаш;

- жараёнларнинг шаффофлигини ва бошқарувчанлигини ҳам банклар учун, ҳам тўқимачилик корхоналари учун ошириш.

Адабиётлар/Литература/References:

Abdullayeva, S. (2025) TO'QIMACHILIK MAHSULOTLARINING BOZOR KON'YUNKTURASI TAHLILI. In *Ilg'or iqtisodiyot va pedagogik texnologiyalar*. <https://doi.org/10.60078/3060-4842-2025-vol2-iss3-pp985-990>.

Giannetti C. (2012) Relationship lending and firm innovativeness. *Journal of Empirical Finance*. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S092753981200062X>.

Lei Yin, Shanxing Du, Ge Chen, (2024) The influence of the bank-firm relationship on enterprises' technological innovation efficiency: Evidence from China. *International Review of Economics & Finance*, Volume 89, Part A, Pages 1583-1600. <https://doi.org/10.1016/j.iref.2023.09.014>.

Raymond Fisman and Inessa Love (2004), Financial Development and Intersectoral Allocation: A New Approach. *The Journal of Finance*, Vol. 59, No. 6, (Dec., 2004), pp. 2785-2807. URL: <http://www.jstor.org/stable/3694789>.

Абдуллаева, С. (2021). Тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, (1), 11–15. https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss1/a57.

Абдуллаева, С. (2024). “ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК” ТУШУНЧАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ҲАМДА УНИНГ АСОСИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ. In *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss12-pp242-249>.

Абдуллаева, С. (2024). “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ДА ESG РЕЙТИНГИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(8), 215–221. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss8-pp215-221>.

Абдуллаева, С. (2024). ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КўРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. In *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss5-pp384-388>.